

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ ТЎҒРИСИДА



Ўзбекистон Республикасининг герби давлат мустақиллигининг рамзидир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат герби қуйидаги кўринишга эга: тоғлар, дарёлар ва сўл томони бугдой боқоқларидан иборат чамбарга ўралган водий узра қўш заррин нурларини сочиб туради. Гербининг юқори қисмида республикамиз хурлигининг рамзи сифатида саккиз бурчак тасвирланган бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвирланган.

Гербининг марказида бахт ва эркинликнинг рамзи қанотларини ёйган Хумо кўши тасвирланган. Хумо кўши бахтга етакловчи тиласо сифатида халқимиз томонидан қадрланган. Ишонча энг меҳрибон жонот сифатида эртанларда кўриб келган. Хумо кўши бахт келтирувчи, уни балоқдан қутқарувчи олижаноб кўш сифатида кўрсатилади. Унинг бобомиз Алишер Навоий хумони табиғатнинг жонотларининг исомга энг меҳрибон деб таърифлаган. Хумо аслида «Авесто» тарихи билан боғланган бўлганлиги учун унинг ватани бизнинг Аму дарё бўйлари ҳисобланади.

Қўш акси эса ҳаёт йўллари доимо зарарон, ёзу бўлиши, республикамизнинг серқўшлигини билдиради. Боқоқлар ризқ-рўзимиз белгиси, дастурхонимизнинг мўл-қўлиги, пахта акс эттирилши эса Ўзбекистон халқини бутун дунёга танитирган, хурматга сазовор қилган муҳим белги-рамзларидир. Боқоқларни, пахта чанокларини қамраб олган Ўзбекистон байроғи лентаси республикамизда яшайдиган бутун халқимизнинг бирлиги маъмунида ёритилган.

Гербининг пастки қисмида давлат Республика даври байроғини янгида ўтғичи чамбар лентасининг бантида «Ўзбекистон» деб ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг давлат гербининг рангли кўриниши: Хумо кўши ва дарёлар қўшун рағнда; қўш, боқоқлар, пахта чаноклари ва Ўзбекистон ёзуви олтин рангида; сўл тоғлар ва баргари, тоғлар ва водий яшил рангида; чаноклардаги пахта эса оқ рангида, лента Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғининг рангли билан акс эттирилган, уч хил рангида, ярим ой ва юлдузлар олтин рангида тасвирланган.

Ҳозирги иқтисодий қийин шароитда, ишсанлик барҳам топмаган даврда ёшларга диққат-эътибор билан қараб, бу борадаги муаммоларни ижобий ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Жамоа ҳўжалигимиз раҳбарияти бу масалани ҳа-миша ўз диққат марказида тутди. Чунки ёшлар таъ-лим-тарбиясига сарфланган маблағ, кўрсатилган моддий ва маънавий ёрдам йиллар ўтиб ўз самарасини беради. Буюк немис шоири Гёте айтганидек, Умид билан суқилган таёқ

Бир кун берар меваю яроқ,
Жамоа ҳўжалигимизда 2 та ўрта ва 2 та бошланғич мактаб бўлиб, уларда қишлоқ меҳнаткашларининг 1500 дан зиёд фарзанди таҳсил топмоқда. 4 та болалар боғча-сида эса 1200 дан ортиқ кичиктой тарбияланмоқда.

Шуни айтиш керакки, болалар боғчалари жамоа ҳўжа-лигимиз маблағи ҳисобидан қурилган 95 ўринли яна битта янги болалар боғчаси бунёд этилмоқда. Ҳозир унинг биринчи қавати битказилди. Гафур Ҳўлом номи-ли, Абдулла Қаҳҳор номи мактабларининг бинолари жа-моа ҳўжалигимиз маблағи, кучи билан қад кўтарган 400 ўринли яна бир янги мактаб қурилиши давом этип-ти.

А. Матросов номи ва «Комсомолнинг 60 йиллиги» ўрта мактаблари учун 2-3 гектардан ер ажратиб берил-ган. Бу ерлардан олинган ҳўсийнинг фойдаси мак-табларнинг ўз эҳтиёжлари учун сарфланади. Ҳўжалиги-миздаги қурувчилар бригадаси ҳар йили ёзда мактаб-

Ҳомийларимиз саховати

ҲИММАТИМИЗНИ АЯМАЙМИЗ

ларни таъмирдан чиқаришда фаол қатнашди. Ҳозир мактаблар янги ўқув йилига шай.

Учитувчиларимиз ўз шахсий уй-жойларига, томорқа майдонларига эга. Уларга турли экин ва мевали дарах-лардан экинган, ортқча маҳсулотлари бўлса, бозорга оlib бериб сотишди. Улар Ўзбекистон Президентининг фармонлари тўғрисида ўқитувчилар учун яратилган им-тиязлардан тўла фойдаланмоқдалар.

Ҳамиша бўлганидек, турмушимиздаги маданий-омма-вий тадбирларни маорифчи-зиёкорлар билан ҳам-корликда ўтказамиз. Жумладан, А. Матросов номи

ўрта мактаб жамоасининг бундан 20 йил олдин битирган-лар билан учрашуви ҳўжалигимизда байрам шодё-насига айлланиб кетди. Машҳур санъаткор Комилжон Отаниёзов таваллудининг 75 йиллиги ҳам ўқитувчилар, ўқувчилар ва кенг жамоатчилик иштирокида зўр уюш-қоқлик билан нишонланди.

Мактабларини битираётган ёшларни иш билан таъ-минлаш учун зарур чора-тадбирларни кўрмоқдамиз. Утган йили жамоа ҳўжалигимизда гишт заводни ишга туширишда, гилам тўқиш цехи очилди. Чинни буюм-лари ишлаб чиқариш цехини очинишга тайёргарлик кўрмоқдамиз. Асфальт заводимиз ҳам ишлаб турибди. Балиқчиликни ривожлантиришга имкон берадиган май-дон минг гектарлик қўлимиз ҳам бор. Янги орада пайпоқ тўқиш цехи ишга туширилди. Шу мақсадда Уй-чи районидан керакли асбоб-ускуналарни келтириб қўйдик.

Хўлас, аҳоли, жумладан ёшларимиз учун иш ўрин-лари янада кўпаяди. Аҳолини иш билан банд қилиш иқтисодий ривожлантиришда, турмуш фаровонлигини оширишда бош омиллардан биридир. Жамоа ҳўжалиги-миз меҳнат ахли астойдил ҳаракат қилиб, Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллик тўйини янги зафарлар билан кўтиб олаётир.

Ботир МАТНИЁЗОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Элийқалъа районидagi Ленин номи жамоа ҳўжалиги бошқаруви раиси.

ЭНДИГИ ТАЪЛИМ ҚАНДАЙ БўЛАДИ?

(Боши 1-бетда).

Ўзбекистон истиқлолга юз тутган Ватан, Демакки, мустақил давлатнинг келажак-ти — мактабди! Мактабнинг мақсади ўқувчиларга билим бериш, ўқитувчининг асл ниёти эса шогирдини илмли қилишдир. Ҳозир республикада кадрлар тайёрлаш ишига жиддий эътибор берилаётир. «Бир хилликдан ҳар хилликка!» шiori ҳамада турли усул ва услублар синовлардан ўтказил-ляпти.

— Бу йил 19 та олий ўқув юртига талабалар са-марали услуб — тест си-новлари асосида қабул қи-линди. — деди ўз маъруза-сида Ўзбекистон Респуб-ликаси Вазирилар Маҳкамаси хузуридаги талаба танлов Марказининг раҳбари И. Турсунов. — Танловдаги талабалар она тили, мате-матика, чет тили фанлари ни яхши ўзлаштирилганли-кли билан бизни хурсанд қилдилар. Негаки, муста-қил юрт учун бундай илмга эга бўлган кишилар айни кун-да ниҳоятда зарур. Энди-ликда тест синовлари мак-таб тизимига кириб бориши-ни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётир.

245-болалар боғчаси му-дираси Х. Имихўжаеванин-г фикрича, фарзандларимиз таълим ва тарбиясини мак-табга тарбия муассасала-ридан бошламоқ керак. Тар-бия масканларида жажжи-ларга ўзбек тили жожиба-сини, оҳанрабоисини ҳис э-тира билиш санъати катта аҳамият касб этади. Еш боланин тили ширин. Ай-ниқса, бошқа миллат фар-зандлари ўзбек тилида га-пирса, ҳар қандай кўнгил-


ни эритиб юборади. Ўзбек тилига давлат тили мақо-ми берилиши муносабати билан тилимизни билиш иш-тиёғи ота-оналар ўртасида ҳам сезиларли даражада ошиди. Уларнинг тақлифла-ри кўра, 245-болалар боғ-часида ўзбек тилини ўри-ниш бўйича иккидй гуруҳ тузилган. Ўзбек халқининг урф-одатлари, маданияти, тарихини акс эттирувчи маҳсулотлар кичиктойлар онига турли хил ўйинлар асосида сингдирилди.

Изолаган оламни кашф этади, деганларидек, айни кунда тарбия масканида бо-лаларга инглиз тилини та-лаффуз қилиш «сабоқлар ўргатилмоқда». Эндилкида тааббускор жамоа фран-цуз тили гуруҳини очмоқ-чи бўляпти.

Аслида пировард мақсад-лар кўнгил тубидаги режа-лардан тугилди. Собир Ра-ҳимов районидagi 45-катта-лар таълими маркази ди-ректори Тинчибой Пўлатов маърузасидан анжуманда йигилганлар ана шу фикр-ларни англаб олишди. У, жумладан, шундай деди:

— Катталар таълими мар-кази ташкил қилинганда, ҳамама ўйлаб қолди. Қандай қилиб кечки мактабга манс-ул шундай масъулиятли ишни ишониб топшириб бўлади? Бироқ вазириликдагилар, шахсан Ҳамидулла Қаюмов-вич Нўлдошев моделимизни қўллаб-қувватладилар. На-тижа ёмон эмас. Ҳозирги кунда ушбу моделимизни со-би Иттифоқнинг турли то-монларидан келиб ўргани-шаётир.

Маорифда катта журъат билан ишлаш лозим. Журъ-атлик, албатта, янги-ликка асос бўлади. 1987 йили ташкил қилинган кат-



Мустақил мамлакатнинг чиройи очиб,
Сумбагу салобатининг

Таровати чиройли!
С. МАХКАМОВ.



Қурбобой
МАТҚУРБОНОВ,
махсус муҳбиримиз.

ОМАДЛИ ТАШРИФДАН СўНГ

Ҳурматли газетхон! Агар кўзингиз тушган бўлса, биз рўзномамизнинг утган йилиги сонларидан бирида Самар-қанд вилояти Иштихон районидagi 50-ўрта мактаб дирек-тори, заҳматкаш, тадбиркор инсон Исмоил Сафаровнинг ўзи қурилишини бошлаган ўқув даргоҳининг узоқ йилдан буйи битира олмаётгани ҳақида фикр юритгандик. Исмоил Сафаров айрим қозғобоз раҳбарларнинг айби билан Тош-кенту азиямга 18-март ташриф буюриб, сўнги чора — маорифчилар рўзномасига мурожаат қилгани ҳақида ха-бар бергандик. Яқинда ана шу мақоланинг натижаси си-фатидаги қувончи хабар келди. Исмоил Сафаров уч қа-ватли 784 ўринли, барча қўлайликларга эга мактаб бино-сини шу йил июнь ойида қабул қилиб олибди. Ўқув дарго-ҳини очиб эса билимлар кўни — 1 сентябрга мўлжалланган.

Нима ҳам дордик, зафар сизга ёр бўлсин, ҳурматли домла Исмоил Сафаров!

Суратда: янги мактаб биносининг кўриниши.

Мустақил Ўзбекистон Рес-публикасининг халқ таъли-ми ҳақидаги Қонуни билан танишарканман, кўнглимда самийий ийлиқлик пайдо бўлди. Шу қаторда ўтмиш-даги касбдошларимизнинг тақдирига ачиниш билан, уларнинг ўзлари танлаган соҳага нисбатан ўта садо-қатли эканлигига қойил қолдим. Нега, дейсизми?

Ўтмишдошларимиз вақт билан ҳисоблашмай, бор меҳрини, куч-гайратини, қо-билиятини ўз шогирдларига сарф этишарди. Аммо ўша фидойилигини учун улар уя-вону имтиёзлар, нозату ҳурматлар таъма қилишмас-ди. Давлат томонидан бери-ладиган озгина маошга сабр-

ИШЛАЙДИГАН ДАВР КЕЛДИ

Энди-чи? Йил сайин бир имтиёз ёки раҳмхўрлик. Аммо педагоглар сафига ян-ги қўшилаётган ёш ўқиту-вчиларда туғма қобилият, касба садоқат, фидойилик етишмайди. Улардан теска-ри ўрнак олган шогирдла-ри эса ўқувсиз, ўқинишга мажбуран келиб кетиши-пти. Уларга академик Қори-Ниёзийнинг «Ўқимасам бў-лайди эмас, ўқимасам ту-ра олмайман» деган ибрат-

ли башоратини эслатгим келади. Янгидан тутилган мустақил республика учун қўли, бармоқларидан ҳунар ёғадиган, барча ишнинг уд-дасидан чиқадиган, тадбир-кор кишилар керак.

Ҳурматли касбдошлари-мизнинг ишлайдиган, ўз касбига янада садоқат би-лаш ёндашиб, давримиз та-лабига тўла эътиборни қўй-ган уринбосарлар етказиб берадиган мавриди келди. Ана шунда ўзимизга бўл-ган ишонч, раҳмхўрликни оқ-лаган бўламиз.

Н. ЭШҚУВВАТОВ,
Самарқанд вилояти Паст-дарғом районидagi 24-мак-таб ўқитувчиси.


ЎЗБЕКИСТОН
ВАТАНИМ МЕНИНГ!
ИСТИҚЛОЛГА
МАШАҚҚАТЛИ
ЙўЛ
ИЖТИМОИЙ ФАН
ЎҚИТУВЧИЛАРИГА БАЪЗИБИР
МАСЛАҲАТЛАР
Хабарингиз бор, 1985 йилдан эътиборан халқро муносабатларда янги сийёсий тағайун пайдо бўлди. Бутун Евро-осиё бўйлаб эсган озодлик шабадаси бизнинг жонанг. Ўзбекистонимизни ҳам четлаб ўтмади. Биз ҳам собиқ Ит-тифоқ халқлари қатори озодликка эриш-

дик. Жаҳон харитасида мустақил Ўзе-кистон Республикаси деган давлат пай-до бўлди.
Шунга кўра, бундан буйи ҳар бир янги ўқув йили «Мустақиллик дарси» билан бошланадиган бўлди.
Агар, азиз муаллим, шундай масъу-лиятли вазира зиммангизга тушиб қо-лишини бир қарра бўлса-да кўнгилдан ўтказиб, унга ҳар томонлама пухта тай-ёргарлик кўриб қўйган бўлсангиз, бу ишдан заррача чўчмайсиз, саросимага ҳам тушмайсиз. Ўша кунги, ўша дарс-даги муваффақиятингиз эса бутун ўқув йили давомида обрў-эътиборингизнинг гаровидир.
Дарс жोजибали ва қизиқарли ўтсин, ўқувчилар қалбида она-дирга, заҳмат-каш ўзбек халқига нисбатан оз бўлса-да меҳр-муҳаббат уйғонсин деганин, синфингизни олдидан жиҳозлаб қўйи-шингиз керак. Синфинг олд томонида — тўридаги бурчакга Ўзбекистон Рес-публикасининг Давлат байроғини, унинг ёнига республикамиз харитасини, синф тахтасининг ўнг томонида мустақиллик рамзи бўлиши Давлат гербининг тасви-ри туширилган планетини осиб қўйиш мумкин. Синфдаги ҳар бир тарта бур-чагига кичкина кўл байроқчалар маҳ-камлаб қўйилса, нур устига нур бўлур эди. Тахта тепасига ва синф орқа деворининг тепа қисмига «Гулла-йилна, ҳур Республика!» «Мустақиллик муборан

бўлсин, она-дирим!», «Бу байрам сиз-га, халқимизга муборак бўлсин, азиз ўқувчилар!» деган шiorларни (яшил матога ёзилса, яхши бўлади, кўрган кўз қувонади) осиб қўйинг. Булар, аввало, синфингизга кўр бағишлайди, қолавер-са, жуда катта тарбиявий аҳамияти бор. Дарсин тахминан шундай бошлашин-гиз мумкин:
Ҳурматли ўқувчилар, бундан роса бир йил аввал собиқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Кенгаши СССРда ва дунёда юз бераё-ган ўзгаришларни ҳисоба олиб, Ўзе-кистон халқлари учун бутун масъулият-ни англаб, халқро ҳуқуқ нормаларига асосланиб, Хельсинки шартномаларига қатъий садоқатни баён этиб, миллий ди-ний эътиқодни ва ижтимоий мансубли-гидан қатъи назар, республика ҳудудида яшовчи ҳар бир кишининг муносиб ҳа-ёт кечиряшини, шаъни ва қадр-қимма-тини таъминлайдиган инсонларвар демок-ратик ҳуқуқий давлат барпо этишга ин-тилий. Ўзбекистон давлат мустақилли-ги ва овоз, суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигини тантанали равишда эълон қилди, дей-сиз ва кетдан бу мустақилликка осян-ликка эришилмаганлиги, ота-бавалари-миз бу йўлда қўллаб-қўриб бўлганли-гини тарихий далиллар келтириб исбот-лаб берасиз.
Бунда Туркистон икки дарё оралиғи-

нинг табиий шароитлари — серсув ис-сиқ иклими, ҳосиддор замини, фойдали қазилмаларининг қўлиги, бой ҳайвонот ва ўсимликлар олами, энг муҳими, мў-мин-қобил, меҳнаткаш-мушфиқ халқи асрлар оша қўшни ва бевосита қўшни бўлмаган давлатларнинг эътиборини ўзига тортиб келганлиги, шу тўғрисида ўлкаимиз ўрта ҳисобда ҳар миғ йилда бир марта дўшманиннинг катта босқинига йўлиққани, қарийб 130 йил давом этган рус босқини (гап шу ерга келганда, «Кимки рус давлатидан рус халқининг фарқини ажрата билмасе, у ҳақиқий зиё-ли эмас», деган иборани ўқувчиларга албатта эслатиш ва бу сўзларнинг маъ-мунини ечиб бериш керак) буюк муғул талонидан кейинги ва сўнггиси эканли-ги тўғрисида гапирга туриб, қадимги Руснинг ўрта Осиёга, хусусан Ўзбеки-стонга эътибори бундан салкам ярим миғ йил аввал тушганлигида ўқувчилар диққатини қаратиш лозим. Сўнгра қуй-даги тарихий мисолларни келтириш мумкин.
XVI асрда Англиянинг Москва давлати билан савдо-сотиқ ишлари анча ду-руст йўлга қўйилган бўлиб, мазукур сав-до компаниясига инглиз айдоғчиси Ан-тоний Дженкинсон бошчилиқ қиларди. Иван Грозний ўша инглиз айдоғчисини 1558 йилда Москва давлатининг элчи-си сифатида Бухорога юборди. У ўша йил Бухорода қишлаб, келгуси йили

Хоразм орқали Москвага қайтади. Ан-тоний Иван Грознийга ўрта Осиё хон-ликларидagi ўзаро ички аҳвол, ҳуқмрон-лик қилаётган феодал тароқчилик, савдо-сотиқ, хонликларнинг ҳарбий ҳолати ва ҳатто хон хазинаси тўғрисидаги маълум-отларни етказди.
Рус ҳуқуқматининг ўрта Осиёни босиб олиш учун тайёргарлик кўриш ҳаракат-лари XVII асрда авж олади. Бу сафар рус ҳуқуқмати ўз эътиборига хонликлар-нинг «ҳарбий сирларидан кўпроқ воқиф бўлиб» қайтишни тайинлайди.
1620 йили Бухоро хони Имомқули-хон хузурида бўлиб қайтган дворян Иван Хохлов подшолик топшириқларини қойилмақом қилиб бажаради. Иван Хо-лов Бухородан Хевага қилган сафари чоғида Имомқулихон, Турсун султон ва Нодир Муҳаммадлар ўртасидagi ўзаро пинҳон тутилган баъзибир келишимчи-ликларни ҳам илғаб улгурган эди. У хонликларнинг ҳарбий ҳолати, куч-қу-драти, қўшинларининг сони ва турлари тўғрисида ҳам кўп маълумотлар тўп-лайди.
Подшо Алексей Михайлович ўзини ўрта Осиёни босиб олиш ишининг ҳақи-қий вориси деб эълон эди. Унинг дав-рида ҳам хонликлар билан «яхши қўни-чилик», «савдо-сотиқ» ишларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш баҳосида Бухоро ҳамда Хевага рус элчилари ке-либ-кетиб турарди.



вола қилиб, уни қайси бир миснода шакллантириш ҳам инсон фазилатларидан бири ҳисобланади. Одамлар эриша олмайдиган ҳал нарса йўқ. Бугун муҳим бўлган нарсанинг эртага ечимлиги ҳам шундан дор, ахир!

— Мустақиллик нима берди бизларга?

— Энг аввало, бизда нима йўқ бўлса, шуни берди, — дейди шоир, давлат ва жамоат арбоби Шукрулло.

— Сўзлаш, фикрлаш, ораулаш ва ўз нитларини мустақил амалга ошириш имкониятини берди! Мустақиллик

лий учувчиларимиз қани! Гарчанд, ўз байроғи, ўз герби ва ўзбекистон номи билан таъриқларимиз Покстон, Туркия, Саудия Арабистони, Малайзия, Хиндистонга учаяпти. Олмония, Швейцария, Хитойга ҳам бормоқда. Юр ташувчи самолётларимизнинг келтирилган фойдаси ёки буюртма билан хар ўйли Жиддага учётган хожиларимиз севинчлини айтиш. Энди самолётлар сотиб олмаётимиз. Ўзимиз учун қулайлик-

— Шукрулло ака, сўзларингиздан тушулганки, бир йилда биз ҳамма истақларимизни қондара олмайдиган, демократик. Мустақил мамлакатнинг мустақил одамлари ҳар борада ўзларини идора қила олишлари керак. Ички ва ташқи сиватда ўз Ватани, халқи, мамлакатининг юзи бўлиб, муомалага кириш олиши шарт.

— Бўлмасам-чи! Бизга ишбилармон, хар борада йўл толар, пул топар, дилларни забт этар — ЭЛЧИЛАР керак. Миллий дипломатлар, миллий учувчилар дардор. Ҳатто, синчиклаб қарасангиз, шу

Техникамизни ўзимиз бошқаришни тээрқ ҳал қилмасак, ўрис олиму муҳандислар ўрнини ўзбеклар билан тўлдиршни ўйламасак, қандай мустақиллик! Йиллар давомида ўз миллатимизга «ер чопишни ўйла, «сўғор», «агна на қил» деб келдик...

Мавзунини таълим-тарбия соҳасига бургим келади: — Истиқлол муаллимни қандай бўлиши керак, сизнингча! Энди ўқувчилар зиммасига кўп ваазифа юкланади. Истиқлол муаллим қачонлиги эшитимчиликларимизни энг биринчи бартараф эътиборидек, десам адиқшимайман. Улар келажақ эгаларини тарбия-

аҳолда. Қишлоқ одамларининг ҳаёти мақтанлари даражада эмас. Бизнинг бир йил мобайнида қилган ишларимизга қараб, қисқа фурсатда буларга қандай улгурини деб ёқа ушлашди. Хатти-ҳаракатларимиз, уринишларимизни библиш, жаннатга дарров чиққоқчимизми? — дейишди ҳам! Ҳа, агар шу қадар тез ва шу қадар соз жаннатга эришмоқликни истасак, нодонлик бўлади. 70—80 йиллик ўқубатлар бизда қадар этишмаслик масаласини кўнданг қилган. Айтайлик, мамлакатимиз бир йилда 70 тонна олтин олади. Аммо олтинларини асраш учун ҳазинаю хазинабонлар қани!


— Шукрулло ака, асарларингизда халқлар дўстлигини оқлаб келгансиз. Ҳозир ҳам шундай эъзапсизми?

— Баҳоли қудрат ёзишга, ёзганларимнинг самимийлигига ўқувчиларимиз шонтиришга уринаман. Биз биланмики, икки энд дунё бир-бирисиз яшай олмаганидек, Ўзбекистон бой-бадавлат, мустақам қўрғон бўлиши учун Туркия, Афғонистон тинч бўлиши керак. Афғонистонда ўк овозларини эшитилмаслиги шарт.

— Муаллимлик муқаддас касб, — деди у сўзининг охирида. — Шах Саъдий ота-она меҳрдан устозининг жебри афзал, деб айтган экан. Гарчанд, шорлик — азоб. Аммо муаллимлик азобдан осонроқ у...

Ҳа, муаллимларимиз — инсон тақдирига дахлдор. Мустақил мамлакатнинг мустақил одамлари тақдирига. Мустақиллик эса миллий рух, Ватан муҳаббат, халқининг фахру гурури билан мустақам қилмади. Биз болаларимиз онгига «илгор» маданиятини сингдиришимиз керак.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҲАҚИДА



Давлат байроғи — мустақиллик рамзидир. Хар бир мустақил мамлакат ўзининг таъриқларини табиатини, тарихини, миллий руҳини ва энг яхши анъаналарини Давлат байроғиди рамазлар орқали бутун жаҳонга кўрсатишга ҳаракат қилади. Давлат байроғи мазкур мамлакат халқини ўз атрофида тўплайдиган, уни ахлит миллатга айлантарадиган, шодидна пайтларда ҳам, қийинчиликларни енгиб ўтишда ҳам, бутун жамиятнинг руҳий кучларини бирлаштиришга ёрдам берадиган хусусиятга эга бўлиши керак.

Давлат байроғи шу давлат жойлашган мамлакатнинг тарихи ва табияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси байроғи тўрт рангда: юкори — мовий, ўртаси — оқ, пастдагиси — яшил рангда. Ўртадаги оқ рангли палласининг юкори ва пастдагиси қизил чизиги бор. Байроқнинг юкори чап томонда оқ рангли ярим ой, ўн икита юлдуз мавжуд.

1. Мовий ранг нима учун тайланган? Чунки мусаффо осмонимиз — мовий, буюк обидаларимизнинг гўмбазлари — мовий, тарихда учмас из қолдирган Амир Темур байроғининг ранги — мовий бўлган. Аввалг байроғимизнинг ўртасида ҳам кўк — мовий рангда бўлган. Булар ҳаммаси республикамизнинг тарихий дарвларининг ифодалайди.

2. Ўртасидаги оқ ранг — тинчлик, поклик рамзи. Республикаимиз олдида жуда катта ишлар турибди, уларни бажариш учун байроғимиз оқ йўл тилайди.

3. Яшил, яши зумрад ранг табиат рағидир. Яшнаб турган ранг ва ҳосилдорлик рамзи. Ватанимиз Ўзбекистоннинг бойлигини, ерларининг байлигини, тўқлигини кўрсатади.

4. Қизил ранг — ҳаёт рамзи. Хар бир тирик вунинг тарихи ва табияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиши зарур.

5. Янги ой — янги тутилган мустақиллигимиз, кўп асрлик тарихий анъаналаримизга мос рамз. Юлдузлар эса булдусиз осмон тимсоли. Ўн икки рақам табиатини тўқлиқ қайраб оладиган муқаммал рақам ҳисобланади. Шунинг учун ҳам юлдузларнинг сонини ўн иккита.

Шундай қилиб, байроғимиз ўтмишимиз, ҳозирги ҳаётимиз ва келажагимиз порлоқлигининг рамзини ҳисобланади.

ИНСОН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОР

журъат берди. Юртимизнинг ҳақиқий эгалари бўлмоқдигимиз учун эса ўзига хос суръат берди! — дея сўхбатини давом эттирмади.

— Бизда ўзимизнинг самолётимиз бормиди? — сўзини давом эттирди борлик ва йўқлик оламнинг зуқко шониди Шукрулло. — Улардан ўз ихтиёримизча фойдаланиб, дунёнинг турли бурчагига бориб кела олармидик? Демак, Мустақиллик — жаҳонро йўлларимизнинг очилишини берди. Аммо бир муаммо кўндаланг. Энди самолётни бошқара оладиган мил-

лар туғдириш мақсадида, албатта. Чунки авиокорсин қиммат. Хизмат кўрсатиш муаммолари қиммат... Аммо, минг шукри, нефть бор мамлакатимизда. Демак, ўз ёқилғимиз эрта-инди чиқади. Вақт керак бунга, сабр-тоқат керак.

— Боламизни узоққа юбормаймиз, деган солдат оналарининг фарёди оламни тутгандай кечагина. Натияжада ўз мудофаса вазиригизимиз фарзандларимиз она-юртимизда хизмат қиладиган кунларга ҳам эришидик, янглишмасам, — сўхбатга тортман яна уларни.

— Тўғри, Умидаҳон! Аммо дунёни қўриқлай оладиган, тинч, осийшайлигимизни сақлайдиган генерал, офицерларимиз қани!

кунда зарур бўлган иқтисодчи муҳандисларини ҳам зўрға толасиз. Топганларингиз эса жуда кам. Жудаям кам! Ўзбек ўғлонлари қабоб сотиб тээрқ пул топса-ю, хошли-кой қилса! Шоҳона уй қуриш ораси билан умирини ўтказса. Бу ҳам тўғри, аммо тўқпини олиб ўйлаш, теварак-атрофда тиғрак қараб, билмини ошириш керак. Рост, бугунги кунимизга шукр қилсак арийди. Тожикистонда қон тўқилляпти. Русияда очариллик... Бизда эса қимматчилик бор. Айтиш, нарх-наво ҳозир каврада арзон бугунги кунда моддий етишмовчиликдан келиб чиқадиган поракўриликлардан кўз юммаслигимиз керак.

лаятлилар. Истагим — болалар онгига миллий гурурини, ифтихорни қўйиб борсинлар. Ҳа, бекам, халқимни кўтариши керак, деб яшаши керак болалар. Ватан фаровонлиги, шон-шўхрати, обриси деб яшамас эканмиз, Мустақиллигимиз ҳеч нарса бермайди бизга!

— Оруу ва режаларимиз яхши, Унга иштишлар, изланишлар ижроси қандай кечапти? Удалаялигимиз!

— Харҳолда тўқик қилиб «ҳа» дейиш мумкин саволингизга. Мен Индонезия, Жанубий Кўрияда бўлдим. Улар 300 — 400 йиллар давомида мустақиллашга яшоб келган халқ. Мустақилликка эришганига эса 30—40 йил бўлибди. Шаҳарлар обод бўлган. Курилган катта байлар даромад манбаига айланган. Аммо қишлоқ ҳўжалиги ҳамон хароб

У. АБДУАЗИМОВА.

КЎЗ-КЎЗ ҚИЛСАК АРЗИР ДУНЁГА

Истиқлол! Қанчалик жарангдор, мазмундор чуқур фалсафий тушунчадир. Биз бунга қандай эришидик! Ҳамон ишонгим келмайди. Худди узоқ мўддат ухлаб қолганману, тўстдан гўмбурлаган момақадироддан уйғониб кетгандек, Атрофда содир бўлган воқеадан анчагина ўзимга келолмай қолгандекман. Йўқ, бу туш бўлса керак, деб яна уйкуга кетмоқчи бўлиб турганимда... ҳайрият, туш эмас, бу ҳақиқат. Ҳа, асрлар оша рўббга чиқмай қолган ҳақиқат бугун халқим бошида тентана қилди.

Юртимнинг бир фўқароси кеби яхши ва ёмон кўнларини торотуда тортиб кўраман. Қизил империянинг кўни битди. Бугунги она-заминини чекелоққа ўхшатаман. Уни парвариш қилиш керак. Ҳа, тинимсиз ақлий, руҳий, жисмоний тарбия қилиш зарур.

Истиқлол фикрлари қатъон йиллари даврида ҳам, улардан олдинги даврда ҳам, кейинги даврларда ҳам инсонларда бўлган. Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирийлар кеби бўлган, бунга ишонману, улар ҳақида энди рўзномаларда ёзишяпти.

Бундан 10 йиллар аввал Гуржистонда йигитлик бурчимни ўтадим. Аникроғи, Абҳазияда. Алам қилган жойи шу бўлдики, баъзи грузинлар бизнинг алломаларимиз ҳақида, ҳозирги ёзувчиларимиз.

нинг биттасини исмини ҳам айтиб бериша олмайдим. Мен бўлсам уларга Ш. Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпийган паҳлавон» достонидан парча ўқиб бердим. Н. Думбадзе асарларини айтиб бердим. Георгий Сенадзе деган қаҳрамонларини айтиб бердим. Улар ҳайрон. Қаердан буларни билсан, деб сўрашганди. Мен эса мактабда биз ўтамыз уларни, дедим. Бир арич билан сўхбатлашиб қолдим. Унга медицинага асос солганлардан биттаси бизнинг ҳамюрт — ибн Сино бўлади, десам, бирам мазох қилиб қулдики, кўзларимдан ёш чиқиб кетганди ўшанда.

Булар энди ўтмиш. Ҳозир бизни бутун дунё танияпти. Биз бутун бир халқимиз. Бой меросга, буюк инсонларга эгамиз, уларни авайлайлик, мадад бўлайлик. Дунёга тўғри кўз билан қарайлик. Хар кимларга бир эргашмасдан, ўз дунёқарашимизга, ақлимизга, кучимизга ишонайлик.

Яқин кунларда катта байрам. Шу кунлари жумҳуриятимиз истиқлол байроғини баланд кўтариб, кўчама-кўча чопгим келади, бутун дунёга кўз-кўз қилгим келади. Хумо қушига қўшилиб кўкларга парвоз қилгим келади. Бир йиллик биринчи тўйинг муборак, она-замин — Ўзбекистон!

Аҳмад КУЗМЕТОВ, аспирант.



лот Чиял давлат ҳўжалиги маъмурияти яқиндан ёрдам кўрсатди. Таъмирлаш ишларининг тээрқорлик билан туғалланишида Холмамат Жўраев бошлиқ қурувчилар жамоаси жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилдилар.

Б. БОБОРАҲМАТОВ.

XVIII аср Ўрта Осиёни хоризмнинг хомаша базасига, Қозогистонни унинг харбий палданирига айлантариш учун олиб борган ҳаракатлариди ўзига хос алоҳида босқич ҳисобланади. Бундай дейишимизнинг боиси — энди чор хўқумати «авалигидек тортиноб, уялиб, ниманиб» ўтирмай, сиёсий-иқтисодий, маъмурий ва харбий мақсадларини хонликларга ошқора айтадиган бўлиб қолди. Ўзининг буюк миллатчилик, шовинистик мақсадларини зўрлик билан амалга ошириш учун ўзгалар юртига харбий экспедициялар уюштириб, у юртларда истеҳкомлар қурдира бошлади. Ҳокими муллоқ Пётр 1 Бухоро билан Хевани сиёсий жиҳатдан қудратли рус давлатининг вассалига айлантариш йўлларини ахтарди. Пётр 1 вафотидан кейин хоризмнинг ташқи сиёсатида рус-тўрқ муносабатлари олдинги ўринга ўтиб, Қора денгиз бўйларини босиб олиш унинг бош мақсадига айланади. Ўзбек хонликларини забт этиш масаласини савдо-сотқини мунатазам риовилантириш, бунди қозоқ хонликлари билан ҳамкорлик ўрнатиб орқали амалга оширмоқчи бўлади. Чор Россияси ўзининг мандур режаларини амалга оширишда қозоқ жузалари ва хонликларни ўртасига турли-туман нифоқ солади, уларнинг ўз ичидида низо-жанжаллардан ҳам усталик билан фойдаланади. Шу йўл билан XIII асрнинг би-

ринчи ярмидан эътиборан кичик жузни, сал фурсат ўтгач ўрта жузининг бир қисмини ўз вассаллигига ўтказиб олади. Қозоқ хонлари, жумладан Абдулхайрох замонасидан бошлаб рус қўнаслари (купецлари), уларнинг харбий экспедициялари Ўрта Осиёга бемалол ўтадиган бўлиб қолди.

Ўқувчиларингизда она-Ватанга нисбатан меҳр-муҳаббат ўйғотайлик, уларни эл-юрт ишқиди қайғуришга ўргатайлик, дўст билан душманни фарқлашга одатлантирайлик десангиз, хоризм ташқи сиёсатининг учинчи ҳўнрезликлар даври тўғрисида батафсил тўхталигим. Бунда Сиз ўз вилотингиз, шаҳар ва қишлоқларингиз рус қўнаслари томонидан қандай босиб олинганлигини ҳикоя қилиб берасангиз ҳам бўлади. Энг аввало, исносно тариқасида, хар бир ўқувчи кундаги тарихий воқеаларни билиб қўйгани маъқул.

1848 йилда Хева хонлигига қарашли Хўжанов қалъаси қўлга киритилди ва вайрон қилинди.

1852 — 1853 йилларда граф Перовский отряди зарба билан Қўзон хонлигига қарашли Куншқўрғон, Чимқўрғон ва ҳозирги Қизил Ўрдан (Оқ мачит) эгаллади.

1860 йилда полковник Циммерман Қўзон хонлигининг 5 миң кишилик қўшинини тор-мор келтириб, Тўқмоқ ва Пшпек қалъаларини босиб олди.

1864 йилда полковник Черняев қўшини Авлиё отани (Жамбул), Яссини, Манкентни, Чимкентни ва Туркстон шаҳрини босиб олди.

1865 йил Ниёзбек, Чиноз, Ташкент таслим бўлди.

Романовский бошчилигида чор армияси қўшинлари Сирдарёни кешиб ўтиб, Жиззахга юриш бошлади. 8 майда Бухоро амири қўшинлари тор-мор қилинди, 24 майда Хўжанд, 2 октябрда Ўртепа, 18 октябрда Жиззах шаҳри таслим бўлди.

1868 йилда Самарқанд, Каттақўрғон, 1870 йилда Шаҳрисабз, Китоб, 1873 йилда Хазорасп, Хева жанг билан эгалланди. 1875 йил 29 августда Қўзон, 8 сентябрда Марғилон, 1 октябрда Анджи, 24 октябрда Наманган генерал Скобелев бошчилигидаги рус қўшинлари бардош берамай таслим бўлди. Хуллас, чор Россияси 1892 йилгача Ўрта Осиёни забт этишда давом этди.

Сиз ушбу воқеалардан ўқувчиларини хабардор эта туриб, бу талончиликларнинг социал-сиёсий, иқтисодий, энг муҳими, маданиян ва маънавий оқибатларига тўхталиб ўтишингиз жуда зарур! Зеро, бўхса ўқувчиларини Ватанимиз мустақиллигини авайлаб-асрашга, уни эъзозлашга ўргата олмайсиз.

1917 йилги Октябр тўнтарышдан кейин ҳам хоризм ташқи сиёсатидаги босқинчилик, талончилик унсурлари бошқивезим томонидан зўр маҳорат билан давом эттирилди.

Ўзбек халқининг ор-номуси, вилдонини ва ақл-заковати — зиёлилар большевизмнинг 20—30-йиллардаги «ёзодлик, миллий тенглик» ҳақидаги сиёсий уйдирмаларининг моҳиятини жуда эрта тушуниб етганлиги ҳам унутмаслик керак. Бу йўлда қурбон бўлганлар ноини ёдга олиш авлодлар давомийлигини қайта тиклайди ва уларнинг руҳини шод этиб, ўқувчилар маънавий оламини бойтатади.

Шундан кейин мамлакатнинг пахта мустақиллиги йўлида республика берган қўнаб қўрбонлар тўғрисида тўхталиш мумкин. Шунини рўй-рост айтиш кераки, бундай сиёсат Ўзбекистонни ҳалот ёқасига, қашшоқ, ночор аҳволга олиб келди, молиявий қарамликка дучор этди.

Сўнгра сиз сиёсий, иқтисодий ва маънавий эркинликка эришиш, жумҳуриятимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида гуноҳсиз жабр торган авлодларимиз, одамларимиз шаънини, номини, ор-номусини тиклаш борасида сўнги йилларда қилинган ишлар тўғрисида тўхталасиз.

Дарс охирида ўқувчилар эътиборини мустақил Ўзбекистон Республикаси олиб бораётган ташқи, тинчликсевар сиёсати қаратасиз. Ўтган қисқа давр ичидида уни жаҳоннинг юздан ортиқ давлатлари танигани ва тан олгани, республикамизда жаҳоннинг 40 дан ортиқ давлат элчихоналари фаол ишлаб турини, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бироноси тепасида ҳур республикамиз байроғини ҳам қиллариб туриши Президент И. Қаримов олиб бораётган сиёсатнинг натижасидир, дейсиз.

Ҳамдўстлик мамлакатлари таркибига кирувчи давлатлар ичидида Ўзбекистон Республикаси олиб бораётган миллий сиёсатга тўхташмаслигининг ҳеч ҳам илочи йўқ. Хусусан, бир-бирига пайванд бўлмади. Чунки мазкур минтақада яшовчи халқларнинг минг йиллик муштарак тарихи ва маданияти, қавм-қариношлиги, умумий орзу-умидлари бор. Уларни ҳеч қандай куч бир-бирдан ажратолмайди, деб дарсини яқунлашингиз мумкин. Бу ҳолат миллий муносабатларни, миллий муомала маданиятини шакллантиради, Ўзбекистоннинг маънавий қадриятларини эъзозлайдиган ватандарвар ёшларни тарбиялайди.

Ғ. МАҲМУДНАЗАРОВ. тарих фанлари номзоди.

роили ва ажойиб шаҳар эканлиги, дўстлик ва тинчлик шаҳри эканлигига шохид бўлиши.

«Дўстлик» клуби ёззолари билан Тошкент шаҳар ва Ҳамза тумани ёшлар кўмиталарида тақимарий учрашувлар бўлиб ўтиди.

Мактабимизда ўтказилган дўстлик фестивали Мустақиллик кунига бағишланди. Дўстларимиз республикамиз мустақиллиги кунига қўриб ёлётган тайёргарликни кўриб, баъдан хурсанд бўлишди. Улар ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва олиҳимматли эканлигига тан беришди. Фестивал қатнашчиларининг қуйдаги дил сўзлари фикримизнинг далилидир: «Азиз дўстлар! Ўзбекистон дея аталмиш серкувчи ва савоҳатли заманининг азиз аҳолиси! Биз халқро болалар дўстлиги фестивали қатнашчилари сизларни республикамиз мустақиллигининг бир йиллиги билан самимий қўлайимиз! Сизларга тинчлик, равнақ, тўқини дастурхонингизга кут-бароқ тилаймиз...»

Мактабимизда ўтказилган дўстлик фестивали анъанавий қардошлик, биродарлик алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш омили бўлди. Зотан, кележақ ёшларимиз қўлида. Улар ақил бўлсалар, ҳаётимиз тинч ва фаровон бўлавереди.

А. ҚУРБОНБЕКОВА, Тошкент шаҳридаги 106-ўрта мактаб директорининг ўринбосари. «Дўстлик» клуби раҳбари.



ЭЗГУЛИКНИНГ ҚАДАМИ ҚУТЛУГ



ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

МУСТАҚИЛЛИК ҚУШИҒИ

Мустақиллик сўзида
Олам-олам маъно бор.
Мустақиллик туйғули
Топмоқдамиз эътибор.

Юз ўттиз йил ичида
Қарам бўлиб яшадик.
Узлимиз унутиб
Ғамга тўлиб яшадик.

Ўзбекистон бойлиги
Сувдай ташиб кетилади.
Марказ берган тошпирик
Сўзсиз ижро этилди.

Тенглар ичра тенгмиз деб,
Хўп мақтандик — керилдик.
Емгир, қорда далада
Минг бор ўлиб, тирилдик.

Бир йилдирки, юртимиз
Яшар озод, мустақил.
Бундан кейин яна ҳам
Бўлар обод, мустақил.

Мустақиллик байроғи
Қандай гўзал, қаранглар!
Мустақиллик қўшиғи
Оламаро жаранглар.

Гаффор МАННОПОВ.



Бизлар телевизорда
Концерт берар эканмиз.
Шеър ёдлайди Озода,
«Лазги»га ўйнар Нарғиз.

Ун беш бола бўлса ҳам,
Боғча опам дер: «Камил...»
Қизиқ, телевизорга
Қандай синар эканмиз?..

С. МАҲКАМОВ суратлари.

ЭЗГУЛИКНИНГ ҚАДАМИ ҚУТЛУГ

Эзгуликни дилда тутаман,
Оллоҳга қул, ўзимга шоҳман.
Искандардек ошиб ўтаман,
Ғанимларим қизиган чоҳдан.

Уртанаман атрофга қараб,
Ортада итлар хуриб боради.
Оёқдамас пойимда, ё раб,
Тили билан юриб боради.

Қўриб туриб, гуноҳим ортар,
Олга қараб жилмаскан карвон.
Аравангни қай мардинг тортар,
Оғир карвон юрт — Ўзбекистон.

Ғафлатдан-да уйғот элингни,
Оқласинлар берган нонингни.
Чиқармасдан юк-ла белингни,
Асраб қолсин улар шаънингни.

Алпомишлар бағринга қайтсин,
Тан олганда сени кенг жаҳон.
Олтинларинг юртинга қайтсин,
Жаннатмакон юрт — Ўзбекистон.

Пешонангни Оллоҳ силаган,
Ярқираган нурингни сочин.
Ҳақни суйган завол билмаган,
Дўстларга кенг бағрингни очгин.

Бағринг сенинг гулларга тўлсин,
Эзгуликнинг қадами қутлуғ.
Истиқлолнинг муборак бўлини,
Юртим, бўлсин камолнинг улугу...

Деразанинг олдида анча
Ўрик оппоқ, пушти гуллади.
Айтинг, меҳр баҳоси қанча,
Уни кимдир неча пуллади?


Маъсума — бу поклик демасди,
Уни покдил инсонлар тотар,
Елғончининг кунни эрмади,
Дилим аччиқ азобин тортар.

Баҳор кезар, не насим эсар,
Менга нечун завқи татимас.
Юрагимни қиймалаб кесар,
Уткир жоду, исми маълуммас.

Куйлаб келдим бамисоли сой,
Эл танирлик бахши бўлмадим.
Емонлигим ростми, Омоной,
Минг қилса-да, яхши бўлмадим!..

Омоной РАБИМОВА,

Пойариқ районидagi 47-мактаб муаллимаси.



Сиз суратдагиларин дарров тани-
дингиз: эл севган санъаткорларимиз
— Ғани Аъзамов ва Наби Раҳимов!
Уларга катта тўй арафаси, тадорикли
кунларда уч савол билан мурожаат
қилдик.

1. Сизга мустақиллик нима берди?

2. Утган бир йил давомида топ-
ган-у, йўқотганларингиз ҳақида гапириб
берсангиз.

3. Рўзномамиз ўқувчиларига ти-
лакларингиз?
Ўзбекистон халқ артисти, Ҳамза номли
Ўзбек Давлат академик театрининг
актери Ғани Аъзамов:

1. Ўз оилам, халқим эркинликка
чиқди. Ўзбек тилида бурро-бурро сўз-
лашнинг, аввали диктаторларга тобе
бўлмасликка эришдик.

2. Йўқотган «олтин»ларимни неча
инилардан буён топа олмай овораман.
Бундан кейин ўйлайманки, уша «олтин»
кунларнинг келишига ишонаман ва умид-
даман. Уша йўқотган «олтин»ларим
ҳақиқий олтин бўлишига ишонч ҳосил
қиламан. Агар «миршаб»лар тортиқ-
лаб олиб, ўзга «сайёра»ларга учиб кет-
маса... Келажакимиз порлоқ, эркин ҳаёт
кечиришимизга имоним қовил.

3. Маданият ходимларига, шах-
сан ўқитувчиларимизга мустақил дав-
латимиз яхши имкониятлар яратиб берди.
Бу қулайликлар, албатта, ўқитувчилар-
нинг ёш авлодларимизга баркамол
билим беришга ундайди.

Ҳозирги давр фарзандлари «ўтган
давр йўриқчилари» томонидан чегара-
ланган шнорлар остида тарихимиз ва

қадриятларимизни унутиб яшамаслиги
лозим. Буларни қайта тиклашга, ал-
батта, ўқитувчи ва унинг рўзномаси
«Маърифат» устоз бўлиши керак.

Шунингдек, мактабларда, жумладан
маҳаллаларда ҳеч бўлмаса бир ҳафт-
тада бир марта жамоатчилик ва
ўқитувчилар ёрдамида одоб, ахлоқ ҳа-
да юқоридати муаммолар ҳусусида уч-
рашувлар ўтказиб турилса, ота-бобо-
ларнинг ҳаёт тарзи ҳақида мушоҳа-
далар уюштирилса, яхши бўларди.

Иттифоқ халқ артисти, Ҳамза номли
Ўзбек Давлат академик театри актери
Наби Раҳимов:

1. Ўзбекистон мустақилликка эриш-
ди. Хали мустақилликнинг том маъ-
нодаги тушунчасига тушунмасак-да, ле-
кин унинг тафсилотлари кўришиб қолди.

Президентимиз И. А. Каримовнинг
қатор мамлакатларга бориб келиши,
Покистон, Ҳиндистонга сафарлари халқ-
ларимизнинг дўстлиги ва чегаралари-
мизни ҳар қандай ҳавф-хатарлардан
сақлашда катта самаралар беради,
деб ўйлайман.

Ўзбекистон халқини чин юракдан
табриқлайман. Мустақилликимизнинг ри-
вожига ҳалол меҳнатлари билан ҳис-
са қўшишларини истаб қоламан.

2. Йўқотганларим кўп бўлди-ю,
топганим оз бўлди. Қаранг, ўзбек тили
давлат тили бўлгани билан ҳақон да-
влатимизнинг йўқ. Соғлиқ мазасини
шу кунги экологининг таъсириндан
сешиш мумкин. «Саломатлигинда саҳна
уочи керак бўлган» ижодкор дўсту
устозларимизнинг қадру қиммати, улар-
га кўрсатаётган «оқибат»лар ҳақида қай-
гураман.

Эҳ, бош омон бўлса, ҳаммасини кўра-
верамиз.

3. Илгариги «Ўқитувчилар газе-
таси», ҳозирги «Маърифат» рўзномаси
— қадроним.

Газетанинг ижодий ходимлари ва
муштарийларига соғлиқ ва халққа ҳа-
лол хизмат қилишларини тилаб, улар-
ни 1 сентябрь — Ўзбекистон Респуб-
ликаси Мустақиллик кунин билан қут-
лайман.

Суҳбатдош МУХТОР СУЛАЙМОНОВ.

МАҚСАД—МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ

Яқинда Косон шаҳрида
Амир Темури фондга та-
шкил этилди. Унинг Прези-
денти этиб шаҳар халқ
таълими бўлими мудири
Зайнаб Дўстберова сайланди.
— Фонднинг ташкил эти-
шда мақсад шаҳарда бар-
по этилган 80 гектарлик
Амир Темури боғини меҳнат-
қашларнинг чинакам ҳордиқ
масканига айлантириш, эко-

логини яхшилаш тadbир-
ларини амалга ошириш,
тарихий ва маданий ёдгор-
ликларини асраш, шаҳарни
ободонлаштириш ва кўка-
ламзорлаштиришга кўмак-
лашишдир. — дейди
З. Дўстберова. — Сай-
ракатимизни кўнчилик қў-
лаб-қувватлатиш. Бу эса
йил охиригача фондга бир
миллионга яқин маблағ тў-
лаш имконини беради, ал-
батта.

Ҳозирнинг ўзидаёқ Амир
Темури фондга Косон райо-
ни 10 миң сўм, шаҳар
савдо акционерлик жамияти
50 миң сўм, 21-автокоро-
на жамоаси 10 миң сўм,
меҳнат фахрийси Пирий
Ҳазратов миң сўм ўткази-
ларини маълум қилдилар.

Нурмат ТОВА,

Ўзбекистон журналистлар
уюшмасининг аъзоси.

Гапнинг пўстқалласи

ШИНГИЛ ҲАЖВ

— Ҳой касбдош! Сенинг
бошинг илм хазинаси — ба-
мисоли қайнар булоқ. Бун-
доқ ён-атрофинга разил сол-
санг-чи. Анон урсинадан
машгулот ўтаганин Шоди
Сатторов қаргани, дарси-
нинг таҳлилидан ҳеч қим қо-
нимасди. Илмдан на ўрси-
чани, на ўзбекчаи ёлтири-
ди. Агар бир бетлик ёзуви-
ни қизил қаламда текшир-
санг, саҳифада одам анато-
миясиди «Қон айланиш»ни
кўраверардинг. Ана шу сў-
так сичқоннинг қулониға жо
бўлгудек илми билан «Йў-
ли»ни қилиб мактабга дирек-
тор бўлганида, сента жу-
даям ачинаман, касбдош!

Ҳой, Тўғрибой дўстим,
сента ҳеч тугуна олманга-
ман! Ахир, жамоа дирек-
торликка сайланганда, унинг
узоқлигини айтиб кўма-
динг-а. Ўрлик қилдинг-а,
ғўрлик. Бу мансаб учун
халқ таълими бўлими муди-
рининг эшигига бўзчининг
моксидий бош уриб бораёт-
ганлар оами? Гапнинг пўст-
қалласини айтсан, сен ди-
ректор бўлганимда, елкамиз-
га ҳў-ўп офтоб тегади-да.
Шундай эмасми, ҳамкасб?

— Унда, азиз маслаҳат-
гўйим, ҳозир икковимиз гап-
лашиб ўтирсандик.
— А... Нера?

Т. ЖУМАНОВ.

(Газетамизнинг навбатдаги
сони 5 сентябрда чиқади).

Бош муҳаррир

Аҳмадjon ДОЛИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги
жамоаси вазир муовини,
Тошкент шаҳар халқ таъ-
лими Бош бошқармасининг
бошлиғи Х. Қ. Ўйловсёвага
умр йўлоши
Людмила Маҳмудовна
ҚИРГИЗОВАнинг
бевафот вафот этганлиги
муносабати билан чуқур
таъзия илҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирли-
ги жамоаси Алдиқон ин-
дустриал-педагогика техник
куми директори жумҳу-
рийят хунар-техника таъли-
ми тизимининг кенес ходи-
ми, республика хунар-тех-
ника таълими аълочиси
Наримон
ТОЖИБОВнинг
вафот этганлигини чуқур
қайғу билан билдириб, мар-
ҳумнинг оила аъзоларига
таъзия илҳор этади.

Қутлаймиз!



Мухтарам Ғойиб ШАРИПОВ!
Кўп йиллардан бери Сирдарё вилояти Ховос районига
турли раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилиб, халқ
ҳаётини яхшилашга, юртимизни ободонлаштиришга, ай-
ниқса, халқ таълимининг юқори лавозимларга кўтаришга
улкан ҳиссангизни кўшдингиз. Ҳалолу пок, самарали,
тадбирдор меҳнатингиз туйғули 1992 йил март ойидан
район ҳокими этиб сайландингиз.

Сизни муборак 50 ёшингиз билан қутлар эканман,
сиҳат-саломатлик, бахту шодлик ҳамisha ҳамроҳингиз
бўлсин, дейман. Жуда маъсулйатли ишингизда зафар-
лар тилайман.

Хурмат билан
Фойз АРАЛОВ,
республика халқ таълими аълочиси, меҳнат
фахрийси.

Қутлаймиз!




Азиз ва меҳрибон онажоним Бибижон СУЛТОНОВА!
Сизни туғилган кунингиз, қутлуғ 45 ёшингиз билан
қизғин муборакбод этамиз.

Оналар бир қўлида бешикни, бир қўлида дунёни
тебратди, дейшади. Дарҳақиқат, Сиз ҳам беш нафар
қоракўз фарзандларни тарбиялаб вояга етказиб билан
биргалликда, умрингизнинг чорак асрини ёш авлодга
зиё бахш этиндик савоб ишга бағишладингиз. Қанча-
қанча етук шоғирларнинг ардоқли устозин бўлдингиз.

Сиздек қалби дарё, меҳрибон аёлнинг фарзандлари
эканлигини билан ҳар қанча фахрлансақ арандиз. Вах-
тинизга ҳамisha омон бўлинг, деб фарзандларингиз:
Дурдона, Роҳатой, Илнуфар, Қудратбек, Ғайратбек Мух-
торовлар, сингилларингиз: Шарофат ва Меҳрибон.
Хоразм вилояти Хонқа ноҳияси.

«ЎЗБЕКИСТОНИМ»—ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



Азиз муштарий! Қуйида таърифланган сўз ва ном-
ларни топиб, шаклга «занжир» ҳолда ёзиш билан жум-
ҳуриятимизнинг тарихи, фан-маданияти, табияти ҳа-
қидаги билимингизни синаб кўринг.

1. Таниқли ўзбек қоншунос олими, Беруний мукофо-
ти номзоди. 2. Ўлкамиз тарихи, иқтисодий муносабат-
ларни ўрганган венгер туршунос олими. 3. Ўзбек
маърифатпарвар шоирларидан бири, илм-фан тарғибот-
чиси. 4. Ўзбекистон ҳудудда жойлашган пастьекислик.
5. Асримиз бошларида Самарқанд атрафидаги қишлоқ-
ларда чоризм истибодига қарши халқ кўзғолони раҳ-
бари. 6. Сўфийлик тарғиботчиси номи билан танилган
Тошкент вилоятидаги зиёратгоҳ. 7. Самарқанд яқини-
даги хароба шаҳар. 8. 1920 йил Қизил Армия босқин-
нидан барбод этилган амирлик. 9. Атоқли адиб, «На-
войй» романи муаллифи. 10. Соҳибқирон Амир Темури
таваллуд топган шаҳарнинг қадимий номи. 11. Самар-
қанддаги меъморлик обидаларидан бири. 12. Мирзо
Улуғбек қурдирган коинотни ўрганиш иншооти. 13.
Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган шаҳар,
вилоят маркази. 14. Ўзбек халқ мақоли. 15. Тошкент
вилоятидаги кўмир қони. 16. Мухтор жумҳурийят пой-
тахти. 17. Ўзбекистон мустақиллиги кунини нишонла-
диган ойнинг шамсия йили ҳисобидиға ном. 18. Ўзбек
миллий ипак газламаси. 19. Миллодан аввалги биринчи
миң йилликда Зарафшон ва Қашқадарё ҳавзалари
бўйида ҳўми сурган давлат. 20. Намёб тоғ жонивор-
ларидан бири. 21. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони.
22. XVI асрда Дашти Қиңчоқдан келиб жойлашган
қабилалардан бири. 23. Миллий либос. 24. Туркистон
тизмаси тармоғи, яйловларга бой тоғ. 25. Таниқли рақ-
қоса, Ўзбекистон халқ артисти.

Фозилжон ОРИПОВ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,
Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий
қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва
оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашрийт диспет-
чер — 32-78-94, нашрийт телефон станцияси навбатчиси —
33-90-50.